



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 15 феврал, сешанба №25 (857)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ - ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 1999 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2000 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хурматли йиғилиш қатнашчилари!

Мамлакатимизнинг 1999 йилдаги иқтисодий ва ижтимоий тарақиёти, иқтисодиётни ислоҳ этиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳақида гап кетар экан, аввало, бир нарсани мамнуният билан таъкидламоқчиман: ўтган йили ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишлари бўйича кўзда тутилган макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар асосан бажарилди.

Ҳўш, бир йил мобайнида айнан нималарга эришдик?

Биринчидан, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш таъминланди. Молиявий аҳволни яхшилаш ва пул-кредит тизимини сезиларли даражада мустаҳкамлашга эришилди. Ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга ортди. Мўлжалланган кўрсаткичлар доирасида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши сановатда - 106,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида - 105,9 фоизни, чакана товар айлиниши эса 110,5 фоизни ташкил этди.

Давлат бюджетининг камомади 1,8 фоиз бўлди. Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1,9 фоизни ташкил этди. Нақд пул эмиссияси 10,2 фоизга тенг бўлди.

Банк тизимининг умумий активлари 48 фоизга ортди. Жами активларнинг 57 фоизи узоқ ва ўрта муддатли кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иккинчидан,

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро тўлов механизми анча мустаҳкамланди. Бу эса ўз навбатида корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш, иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш имконини берди.

Республика корхона ва ташкилотларининг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари миждори йил давомида 76 миллиард 800 миллион сўмдан 1 миллиард 800 миллион сўмга қисқарди. Мониторинг назорати ўрнатилган 22 та вазирилик ва идора 2000 йилнинг 1 январига қадар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларидан амалда халос бўлди.

Ўтган йили иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эълон қилиш жараёни фаоллашди. Хусусан, хўжалик судлари томонидан 995 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Бу - 1998 йилдагига нисбатан 548 та кўп демакдир.

Банкротликка учраган бир минг олтига корхона тугатилди. Банкрот бўлган корхоналарнинг 2 миллиард сўмликдан зиёд мол-мулки савдога қўйилди. Кредиторларнинг 837 миллион 500 минг сўмлик қарзи ундириб берилди.

Корхоналарни банкротлик ҳолатига тушириб қўйгани, ишга лоқайд муносабати ва хизмат лавозимини суиистеъмол қилгани учун хўжалик судлари томонидан 95 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғаш ҳақида қарор чиқарилган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида 1999 йилда Молия вазирлиги қошида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйиш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди.

Ушбу жамғарма орқали 1999 йил ҳосили учун 162 ярим миллиард сўм, жумладан, пахта хомашеси учун 101 миллиард 300 миллион сўм, галла учун 48 миллиард 600 миллион сўм, шולי учун 12 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга 2000 йил ҳосили ҳисобидан кузги-қишки агро-техник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш учун қарийб 32 миллиард сўм, иш ҳақи учун эса қарийб 53 миллиард сўм аванс маблағлари берилди.

Бу - қишлоқ хўжалиги ишларини белгиланган муддатда бажариш жараёнини зарур молиявий ресурслар билан мустаҳкамлаш имконини беришга қолмай, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, деҳқонларга етиштирган маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб ишларини ҳам ўз вақтида амалга ошириш имконини яратди.

Учинчидан, таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилга айланиб бормоқда. Ўтган йили сановатдаги ўсиш асосан

янги ишга туширилган иншоотлар ҳисобидан таъминланди. Янги ишлаб чиқариш тармоқлари ривож учун 282 миллиард 300 миллион сўм ёки ялпи сармояларнинг 56 фоиздан кўпроги йўналтирилди. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми бир ярим баробардан зиёдроқни ташкил этди.

Бешинчидан, кичик ва ўрта бизнес ривож учун хорижий кредитларни жалб этиш борасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу эса 1998 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда билдирилган танқидий фикрлардан банклар ва тегишли тузилмалар тўғри ҳулоса чиқариб олганидан далолат беради.

Кичик ва ўрта бизнесни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёнинг энг нуфузли банклари, хусусан, Европа тикланиш ва тарақиёт банкининг 150 миллион АҚШ доллари, Осиё тарақиёт банкининг 50 миллион АҚШ доллари, Германия тикланиш банкининг 5 миллион немис маркаси миқдоридagi, ҳуллас, умумий ҳажми 200 миллион АҚШ долларидаан ортик бўлган кредит камлағлари жалб этилди ва тўлиқ ўзлаштирилди.

Юқорида номи тилга олинган Германия банкининг 15 миллион евро, Халқаро молия корпорациясининг 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi янги кредит йўналишлари очилди. Европа тикланиш ва тарақиёт банки билан яна 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит йўналишини очиш ҳақида шартнома имзоланди.

(Давоми 2-3 бетларда)

билан бирга, хорижий сармоядорларнинг инвестиция мажбуриятлари 238 ярим миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Бешинчидан, кичик ва ўрта бизнес ривож учун хорижий кредитларни жалб этиш борасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу эса 1998 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда билдирилган танқидий фикрлардан банклар ва тегишли тузилмалар тўғри ҳулоса чиқариб олганидан далолат беради.

Кичик ва ўрта бизнесни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёнинг энг нуфузли банклари, хусусан, Европа тикланиш ва тарақиёт банкининг 150 миллион АҚШ доллари, Осиё тарақиёт банкининг 50 миллион АҚШ доллари, Германия тикланиш банкининг 5 миллион немис маркаси миқдоридagi, ҳуллас, умумий ҳажми 200 миллион АҚШ долларидаан ортик бўлган кредит камлағлари жалб этилди ва тўлиқ ўзлаштирилди.

Юқорида номи тилга олинган Германия банкининг 15 миллион евро, Халқаро молия корпорациясининг 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi янги кредит йўналишлари очилди. Европа тикланиш ва тарақиёт банки билан яна 15 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит йўналишини очиш ҳақида шартнома имзоланди.

(Давоми 2-3 бетларда)

ОГОҲЛИК - ДАВР ТАЛАБИ

Бухоро вилояти фаолларининг ана шу мавзуга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шахар ва туман ҳокимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳуқуқ-тартибот, «Маънавият ва маърифат» марказлари, олий ва ўрта махсус билим юртлари раҳбарлари, дин, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Вилоят ҳокими С.Хусенов бошқарган ушбу йиғилишда сўзга чиққанлар юрт ободлиги, эл фаровонлигини таъминлаш кўп жиҳатдан тинчлик ва оқилолликни янада мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ишларини замон талаби асосида ташкил этишга боғлиқ қилишни таъкидладилар. Афсуски, вилоятда ҳали дунёқараши тўла шакланмаган баъзи ёшлар турли экстремистик ва акцидентаристик гоялари таъсирига тушиб қолиши ҳоллари учрамоқда. Бу ҳолнинг пайини қирқиб учун шахар ва туман ҳокимликлари, аввало маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, барча жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кенг қўламада олиб боришлари зарурлигига эътибор қаратилди. Бу борада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спортнинг турли соҳаларига жалб қилиш гояти муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОН

Ю.Н.АГЗАМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юрий Набиевич Агзамов Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тайинлансин ва шу муносабат билан мудофаа вазири ўринбосари - Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондони вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2000 йил 14 феврал

И.КАРИМОВ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари, Президент лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни самимий муборакбод этишга ва ана шу маъсулоти фаолиятингизда Сизга кўндан-кўп муваффақиятлар тилашимга ижозат бергайсиз.

Словения Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан бун ҳам халқларимиз ва давлатларимизнинг манфаатлари йўлида ҳамжихатлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ривожланиб бораверишига астойдил ишонаман.

Мухтарам Президент Жаноблари, шу муносабат билан Сизга бўлган гоят чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Милан КУЧАН, Словения Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сизга самимий табрикларимни йўллаш ва улғувор вазирангизни бажаришингизда Сизга улкан муваффақиятлар тилашдан гоят мамнунман.

Дўст ўзбек халқининг фаровонлиги ва минтақада оқилоллик йўлида Сиз, Жаноби Олийлари, ўз тажрибангиз ва донолигингизни бундан бун ҳам тинчлик ва адолатга хизмат қилдиришингизга шак-шубҳам йўқдир.

Ушбу қувончли имкониятдан фойдаланиб, Аллоҳдан Сизга сийҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва тарақиёт ато этишини сўрайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА, Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти

Маънавият сарчашмаси

ЙИЛ МАКТАБИДА ТАНТАНА

Китоб туманидаги Юсуф Хос Ҳожи номи ўрта мактабда 1200 дан ортик ўғил-қиз ўқийди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, илм даргоҳи ўқувчиларнинг келажақда баркамол инсонлар бўлиб воға етишлари учун барча имкониятларга эга: фан кабинетлари, лаборатория, спорт мажмуаси... Ўқувчилар турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётганлари ҳам аслида шундан.

Янги йил арафасида Тошкент шаҳридаги «Талим маркази»да ўтказилган республика «Йил мактаби» кўрик-танловида мақzur мактаб жамоаси Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг эсодлик совғалари билан тақдирланган. Яқинда мактабга 20 минг сўмлик бадий китоблар топширилди.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг маъсул ходими Йўлдош Аҳмедов тўхфани топширар экан, «Соғлом авлод йили» мактаб ўқувчилари учун янги зафарлар йили бўлишини тилади.

Совғаларни топширишда ҳозир бўлган таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Собир Зойиров, Китоб туман ҳокими ўринбосари Лола Уроқова, туман халқ таълими бўлими мудириси Ҳабиба Хидирова-ларнинг «Таълим тўғрисида»ги Конунининг ҳаётга тадбиқ этилиши билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари тантанана янада улғуворлик касб этди.

Таълим ва фан ходимлари туман қўмитаси раиси Орзимурод Маҳмунисаев эса мактаб ўқувчиларининг бир гуруҳига Имом Ал Бухорий мажмуига бе-пул савҳат ташкил этилганлиги ва дам олиш учун сикатгоҳга йўллана берилганлигини эълон қилди.

Республика «Йил мактаби» танловида қатнашган Навоий вилоятининг Хатир туманидаги 10 - Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги 22-мактаб ўқувчилари ҳам ана шундай совғаларга лойик топилдилар.

Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

БАЙРАМ ИШТИЁҚИДА

Наманганда Наврўз кунларида намойиш этилиши мўлжалланган катта байрам тантаналари дастуридан отабобларининг болалиқдаги ўйинлари, ашуларани муносиват ўрин олгани беҳиж эмас, албатта.

Наврўз байрамига тайёргарлик анча илгари бошланиши, бу байрам арафасида шахар ва қишлоқларни тозалаш, ободонлаштириш ишлари катта эътибор берилиши ҳам халқимизнинг анъанавий одатига айлиб қолгани табиий. Шунга кўра, январ ойининг охирида қўқаламзорлаштириш ва ободонлаштириш икки ойлиги бошланди. Март ойининг биринчи кунларида бошлаб вилоятда эълон қилинган «Энг намунали маҳалла», «Энг намунали кўча» танловлари ўтказилди.

Бадий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида ўтказилаётган танловларнинг туман ва шахар босқичлари гоилилари ҳозир вилоят бўйича ўтказилаётган якуновли турга ҳозирлик қўймоқда. Фольклор-этнографик жамоалар танловида ҳам қўллаб-қувватлаш иштирок этиши кўтилмоқда. Хўнармандлар, халқ амалий санъати усталари ҳам ўзларининг энг яхши ишларини томошбин ва ҳайрат эътиборига ҳавола этади. Байрамнинг спортга бағишланган қисми ҳам қамровли: спортнинг энг оммавий турлари бўйича мусобақалар нафақат меҳнат жамоалари, ўқув юртларида, балки турар-жойлар бўйича ҳам ўтказилади.

Ҳар доимгидек, бу галги байрам ҳам меҳр-шафқатли бўлиш ширини остида ўтади. Ҳозирнинг ўзидек турли хайрият тадбирлари амалга оширилмоқда. Хайрия ташкилотлари, меҳнат жамоалари оғирроқлар, ёлғиз қариялар, кам-харж, боқувчисини йўқотган оилаларга алоҳида ғамжўрлик кўрсатмоқда. Яқин кунларда ўтказилаётган хайрия ҳашири давомида ишлаб топилган маблағнинг бир қисми ҳам ана шу мақсад учун ажратилади.

ХАЙРИ ТАДБИРЛАР

Ўтган «Аёллар йили»да Олтинсой тумани «Шакар қамиш» жамоа ҳўжалигида яшовчи 25 нафар хотин-қиз Деновдаги Абу Али ибн Сино номидаги вилоят санаторийсида хўжалик ҳисобидан дам олдилар.

Шунингдек, бу ерда Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларга сайёҳатлар уюштирилиб, бир гуруҳ меҳнаткаш аёллар мақzur қадимжоларни зиёрат қилиб қайтилдилар.

Бу каби хайрият тадбирлари амалга оширишда касаба уюшмасининг ҳам ҳиссаси катта, - деди жамоа хўжалиги аъзоси Гулсара Ҳамзаева. - Шунингдек, касаба уюшмаси томонидан ҳам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий қўмак, хусусан, турли озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Хўжалик касаба уюшмаси бу йил ҳам кўпгина хайрият ишларга бел бўлган.

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

Бу ҳақда иккинчи қақриқ Республика Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи йиғилишида алоҳида гап борди

Эл назарига тушган, одамлар меҳрини қозонган раҳбарлар жуда кўп. Шу боис улар ўз вазифаларидан кетгандан сўнг ҳам халқ хўрматида, эъзозиде бўладилар. Меҳнатободда бўлганимизда оддий одамлар собиқ ҳоким Синдор Норчаев ҳақида илиқ фикрларни айтишди. Тасодифни қарангки, Синдор ака билан учрашиб қолдик. Айни чоғда фермер хўжалиги ташкил этиб, оиласи билан далада ишлаётган экан.

— Саломатлигим ёмонлашган, ўйлаб қолдим, - деди у. - Режалар кўп эди. Қўриқ туман иқтисодиётини кўтариш, халқ турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида баҳолу-қўдрат хизмат қилдим. Ҳар ҳолда одамлар арзи-мас хизматларини унуттишгани йўқ. Бундан ҳам ортик бахт борми?

Синдор ака билан фермер хўжалиги ишлари ривож, шахсий ҳаёти, режалари ҳақида суҳбатлашдик. Гап мавзун яна раҳбарлик услубига бориб тақалди.

— Бугунги раҳбарнинг бурчи Президентимиз томонидан кўп бора лўнда таърифлаб берилган, - деди у. - Тўғри-да, лавозим башанг кийиниш, энг сўнгги моделдаги автомобил миниш, шинам хонада ўтириб қўнғироқ тугмасини босиш билан ифодаланмайди. Ҳар жабҳада одамларга ибрат бўлиш даркор. Негаки, раҳбар минглаб кишилар кўнг ўнгиде бўлади, улар сенинг ҳар бир қадамингга баҳо бериб турадилар. Қолаверса, қўл остингдаги ҳар бир ишловчи оила-

юрини аллақачон «Магнум»ларга бўшапти берди. Бирок чопиқ тракторларчи? Янгиларини олишга хўжалиқларнинг қурби етмайди. Эски тракторлар ҳам бармоқ билан санарли даражада. Оқибатини ўйлабмасдан, техникани пайдар-пай ҳисобдан чиқариш, дуч келган одамга сотиб юбориш деҳқон қўлини калта, ташвишини сөрөб қилиб қўйди. Ҳисоб-китобларга кўра, кўйини саккиз йилда 2000 дан кўпроқ чопиқ тракторлари хусусийлаштирилган. Оддий бир мисол. Мирзаобод туманидаги «Тошкент» ширкатлар уюшмасида 1990 йилда 42 та «Белорусь», Т-28х4 русумли тракторлар бўлган. Айни чоғда улар сони 7-8 тадан ошмайди. Қанотидан қайрилган деҳқон дардини кимга айтсин! Худди шундай аҳолини вилоятдаги истаган хўжалиқда учратиш мумкин. Ўтган йили гўза қатор ораларига ишлов беришда мураккабликлар тугилди. Ҳатто трактор қадами етмаган юз гектарлаб майдонлар ҳам бор. Ҳўш, бунга кимни айбдор қилиб кўрсатиш мумкин? Фақат деҳқон зарар кўрди, азоб чекди. Эл-

Кўриниб турибдики, техника қадрини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу муаммо бугун ҳам Сирдарёда ўз ечимини топганича йўқ. Билиб-билмай йўл қўйган хотларини хўжалик раҳбарлари ўз зиммаларига олишармикан? Нима бўлганда ҳам Мирзаобод техникасиз қантосиз куш мисол.

Яна бир мулоҳаза. Ташаббус билан одамларни ўз ортидан эргаштиролмаган баъзи раҳбарлар қўлига, тилига эрк бериши кечирилмас ҳол. Бу қусурни одат қилиб олганлар ҳам йўқ эмас. Энди бир тасаввур қилинг. Бундай раҳбарлар жамоага ёки хўжалик, ташкилотга етакчилик қила олармикан? Одамлар оғиб бу кимсага эргашармикан?

— Каттаимиз кўпчилик олдида хумордан чиққан ҳақоратлагач, ишдан

юрт, оиласи олдида юзи шувит бўлди.

— Мирзаобод шароитида гўза қатор орасига техника билан камида беш мартаба ишлов берилмас экан, қутулган на-тижани олиб бўлмайди, - дейди меҳнатободлик фермер Гулсара Умарова.

Унга ичимиз ачишди. Агар хатога йўл қўйган бўлса, қонуний йўллар изланса мақсадга мувофиқ бўлмасмиди? Бунга ям кўнгурайлик. Бир тумандаги катта бир йиғилишда раҳбар бир кеска кишини тургазиб шундай «тузладики», залда ўтирган эргагу аёллар ҳижолатдан ер чизиб қолишди. Бу ҳам раҳбарнинг маънавий қиёфаси. Йиғилишдан сўнг одамлар кўрилган масала қолиб боғи кўнгулисиз ҳолат мураккасидан бўшамади. Халқимиз «Йинаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир» дея беҳижга айтмаган. Раҳбар ҳар бир сўзининг ўз юки бўлса, у тезроқ қалбларга кириб боради.

Воҳада иқтидорли, халқ дилидан жой олган кўллаб раҳбарларни биламиз. Биз қаламга олганимиз эса жамиятимизга ёпишган баъзи иллатлар ҳолос. Улардан қанчалик тез қутулсақ, ишимиз шунчалик тез илгарига одимлайверади.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ - ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАДИР

(Боши 1-2-бетларда)

масала бўйича жорий йилнинг биринчи чора-ги якунида ҳисобот беришни сўрайман.

Шуни таъкидлашимиз керакки, кичик ва хусусий бизнеснинг кенг ривожланишида бир қатор тўсиқларга дуч келинмоқда. Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рэкет, тегиш-рувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни устингдан жиноий иш қўзғатаман, деб кўрkitиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда.

Аниқланган ҳар бир гайриқонуний бундай хатти-ҳаракат фавқуллода ҳодиса сифатида баҳолашни ва жиддий кўриб чиқиши керак.

Солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шаънига доғ тушираётган нопок, худбин ва гаразғўи кимсалардан кескин тарзда ҳалос бўлиш лозим. Афсуски, бундай нохуш ҳоллар учраб турибди. Айрим мисолларни келтириш ўрнида, деб ўйлайман. Фаргона вилояти Дангара тумани Давлат солиқ инспекцияси инспектори Ф.Соҳибов тадбиркор Г.Таштемировдан ойлик ҳисоботни қабул қилиш чоғида пора олгани учун қўлга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган. Марғилон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган А.Султонов «Мебель» фирмаси директорини тафтиш ўтказиш билан кўрkitиш, пора олиш мақсадида таъмагирлик қилаётганида қўлга олинган ва шаҳар суди томонидан жиноий жавобгарликка тортилган.

Бунга ўхшаш мисолларни Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятлардан ҳам келтириш мумкин. Ҳар бир бундай қонунбузарлик ҳоллари кенг жамоатчиликка маълум қилиниши керак.

Тадбиркорларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳўжалик судларининг ролини сезиларли даражада ошириш талаб этилади. Чунки судлар томонидан айрим жиноий ишларнинг асосий очилгани учун ёпиш ҳоллари учрамоқда.

Масалан, Мировот туман суди маъмур тўлиқ инспекциясининг текширув акти ва қарори асосида Тошкент шаҳар прокуратураси «Рута» саноат-савдо фирмаси директорига нисбатан қўзғатган жиноий иш бўйича қўйилган айбловнинг барча бандларини ноқонуний деб топган. Солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан эса хусусий ажрим чиқарган.

Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Бизнес-фонд каби тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида махсус ташкил этилган тизимлар фаолиятига тааллуқли жиддий эътирозлар мавжуд. Уларнинг иши бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу тизимлар ёки бутунлай ишламайди ёки, бундан ҳам ёмони, уларнинг ўзлари бюрократик идораларга айланиб қолган.

Бунинг илдизига етиш вақти келди.

Айтилганлардан хулоса чиқариб, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат комиссияси мутлақо фаолият кўрсатмаганини таъкидлаш зарур. Қиска муддат ичида бу комиссия таркибини қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш лозим.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни амалдаги қонунлар ва меъёрларга риоя қилган ҳолда ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш

билан боғлиқ барча масалаларни кечиктирмай ҳал этиш зарур. Бунда асосий мутасаддилик вазифасини маъмур Хукумат комиссиясининг ишчи органи сифатида Ўзбекистон Адлия вазирлиги зиммасига юк-лаш лозим, деб ҳисоблайман. **Негаки, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини қонун-сузликдан ҳимоя қилиш фавқуллода муҳим вазифа бўлиб турибди.**

Тўртинчи. Биз учун муҳим бўлган яна бир масала хусусида алоҳида тўхталмоқчиман. **Ҳап иқтисодиётга чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳақида бормоқда.**

Мен яна бир қарра таъкидламоқчиман. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Бусиз кучли рақобат шароитида ҳақон бозорларига кириш ва улардан мустаҳкам ўрин эгаллаш аризмаҳол.

Мамлакатимизда бугунги кунда хорижий сармоядорлар учун энг қулай инвестиция муҳити барпо этилган. Шунинг айтишимиз керакки, бу қулайлик ўз самарасини бери-моқда. Қўллаб чет эл компания ва банклари биз билан шерикликда ишлаш, ўз маблағларини иқтисодиётимизга ётқизиш исти-гани билдирмоқда, бизни ўзлари учун истиқболли ҳамкор деб тан олмақда.

Ўзлаштирилаётган чет эл сармояси ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Хусусан, 1999 йилнинг ўзида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида 1 миллиард 324 миллион АҚШ доллари миқдорда чет эл сармояси ўзлаштирилгани бор ҳақиқатни айтиб турибди. Мамлакатимиздаги барча капитал қўйилмаларнинг 24 фоизини чет эл сармояси ташкил этаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Келинган, шу ўринда ўзимизга бир савол берайлик. Мамлакатимизга чет эл сармояси янада кўпроқ келиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун ҳаммаимиз ҳам қўлимиздан келадиган барча ишни қиляпмизми? Чет эллик сармоядорлар билан керакли даражада фаол ишлайпмизми? Бу борада барча зарур шарт-шароит яратилганми?

Афсуски, хорижий сармояларни жалб қилиш ва истиқболдаги сармоядорлар билан ишланиш ташкил этишда бизда қўллаб ҳал этилмаган муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Акс ҳолда, 1999 йилда ҳукумат қафолати асосида ажратилган хорижий сармоя ва кредитларни ўзлаштириш кўзда тутилганга нисбатан амалда атиги 53 фоизини, бевосита йўналтирилган инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бор-йўғи 32 фоизини ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Чет эллик сармоядорлар билан иш олиб боришдаги сансалорлик, қўбўямачилик ва ҳатто ошқора таъмагирлик ҳолатларининг ҳамон учраб туриши бизни қаттиқ ташвиш солади. Шундай фактлар ҳам маълумки, сармоя лойиҳасини ишлаб чиқайтганда айрим удда-бўрон кимсалар самарадорлик ва лойиҳанинг валюта қийматини қоплаш тамойилига амал қилиш ўрнига, ўз шахсий, гаразли манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўймоқда.

Мен, ким қайси лавозимини эгаллаб турганидан қатъий назар, маҳаллий

раҳбарлардан тортиб юқори Хукумат даражасидаги ташкилот раҳбарларига, барча-барчани огоҳлантириб қўймоқчиман: биз бу иллатга қарши шафқатсиз кураш олиб бораемиз, уни тағ-томири билан қуритиб ташлашга қурбимиз етди. Бу борада ҳеч кимга шафқат қилинмайди. Биз учун мамлакатимизнинг шаъни-шарафи, кадр-қиммати ва обрў-эътибори ҳамма нарсадан афзалроқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг мажмуа раҳбарларидан, ташкилотлар бошлиқларидан қайта ва қайта сўрамоқчиман: қачонгача биз ишга бундай масъулиятсиз муносабатда бўла-миз, қачонгача ҳафсала-сизлик ва суствашлик қиламиз? Нега ҳалигача лойиҳаларни техник иқтисодий жиҳатдан асослаш бўйича иш олиб борадиган профессионал лойиҳажининг компаниялар тизими яратилмапти? Нега ваколатли идораларда техник иқтисодий асосланган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш мурдатлари қўзиб юборилмоқда? Нима учун инвестиция лойиҳаларни бўйича ишловчи тизимни маляка-ли кадрлар билан таъминлашда суствашлик қилин-моқда? Бунинг учун ким жавоб беради? Ахир, айнан мана шу ҳолат инвестиция жараёнида тўсиқ-гов бўлиб турибди-ку! Ва-зирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари бу саволларга жавоб топиш-лари керак.

Бизни чет эл капитали иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш бора-сидига ишлар ҳам қониқ-тирмайди. Бу соҳада ҳўжа-кўрсинлик ҳолатлари жуда кўп. Биз аксарият ҳўжа-ларда бундай корхоналар сони қўлайгани, бугунги кунда 3,5 мингга етгани тўғрисидаги статистик маълумотлар билан мағрурланиб юраемиз.

Келинган, бу корхона-лар қандай фаолият кўрсатаётгани, нима иш-лаб чиқараётгани, улар-нинг худудлар бўйича қан-дай жойлаштирилганига танқидий баҳо берайлик. Амалда бу корхоналарнинг атиги 52 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Шундан бор-йўғи 592 таси ёки 31 фоизини ишлаб чиқариш корхоналари экани бизни ташвишга солмай қўймай-ди.

Бунинг устига қўшма корхоналарнинг аксарияти йирик шаҳарларда барпо этилган. Мисол учун, республикамизда фаолият кўрсатаётган ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарнинг тўртдан уч қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказ-ларида жойлашган. Кўпгина туманларда, хусусан, ишсизлик даражаси юқори бўлган худудларда эса бундай қўшма корхоналар ёки умуман қурилмаган ёки бори ҳам бармоқ билан санарли экани ачинарли ҳолдир.

Республикамиздаги 163 тасида биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилма-нига қандай чидаш мумкин? Қорақалпоғистон Республикасидаги 15 тасида биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилма-нига қандай чидаш мумкин? Бизнинг институтлари расман ташкил этилган бўлса-да, аммо яхлит, ўзаро уйғун, энг муҳими, амалий фао-лият кўрсатувчи бозор инфра-тузилмаси ҳали яра-тилгани йўқ. Бугун биз мавжуд бозор тузилмала-ри ҳали тақомилга етма-гани, иқтисодиётни бошқ-арининг қўллаб вазифа-ларини ўз зиммасига олишга тайёр эмаслигини тан олишга мажбурмиз.

Инфратузилма йўна-лишларининг қайси тармо-ғини олманг - у сўгурта соҳасини, лизинг соҳаси-ни, аудит соҳасини - бар-часида аҳвол қониқарли эмас.

Мисол учун, сўгурта соҳасини олайлик. Шу

лаг йўқлигини рўқач қила-ди-ю, аммо чет эл сармо-ясини жалб этиш, замона-вий, ихчам қўшма корхо-налар ташкил этиш тўғри-сида мутлақо бош қотир-майди.

Аҳолини иш билан таъ-минлаш муаммоси ўта му-ҳим бўлиб тургани ҳолда биронта қўшма корхона ташкил этилмаган Қора-қалпоғистон Республика-сининг Беруний, Қўнғирот, Чимбой, Қашқадарё вило-ятининг Касби ва Нишон, Навоий вилоятининг Нуро-та ва Навабхотир, Самар-қанд вилоятининг Оқдарё, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Сирдарё вило-ятининг Бобўут, Мирзаоб-бод ва Ховос, Фарғона ви-лоятининг Бувайда, Учқўп-рик ва республиканинг бо-шқа бир қатор туманлари ҳокимлари қаёққа қара-моқда?

Шуни қатъий айтаман-ки, агар бу раҳбарлар ана шу вазиятдан чиқиш йўли-ни топмаса, ўзлари эгал-лаб турган лавозимларда қолишга маънавий жиҳат-дан ҳаққи йўқ.

Хорижий сармоядорлар-нинг республикамизга кел-либ, ўзлари ҳамкор ишла-ётгани, шу мақсадда махсус бизнес-семинарлар ўтка-заётганига ғувоҳ бўлиб ту-рибмиз. Биргина сўнгги икки йил мобайнида шун-дай семинарлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Фарғона водийсида бўлиб ўтди. Минг афсуски, улар биздаги бефарқлик, тўра-чилик, боқибегамлик каби иллатлар туфайли бирон-бир натижага эриша ол-май қайтиб кетишмоқда. Ҳўжақўрсинлик учун олиб борилаётган бундай тад-бирлар ҳеч кимга керак эмас.

Қуйидаги мисолнинг ўзиёқ буни тасдиқлайди. Италиянинг «Фата групп» компанияси, бир неча йилдирки, Тошкент вило-яти ҳокимлиғи билан аг-росаноат мажмуи дастури-ни амалга ошириш бўйи-ча иш олиб бормоқда. Ушбу лойиҳа 1999 йил Ин-вестиция дастурига кири-тилган эди.

Италия томони ҳозир-нинг ўзидаёқ 50 та тех-ник иқтисодий асоснома-ларни ишлаб чиқиш ва уларни пул билан таъмин-лаш, халқаро экспертлар-га ҳақ тўлаш, италиялик мутахассисларнинг 35 марта мамлакатимизга кел-либ-кетиши, ҳокимлик ҳамда Кишлоқ ва сув ҳўжалиғи вазирлиғи мута-хассисларининг Италия корхоналарида бўлиши учун катта маблағ сарф-лади. Лекин ҳанузгача тайинли бир натижа йўқ.

Асло тоқат қилиб бўлмайдиган бундай ми-солларни яна қўллаб кел-тириш мумкин.

Барча поғоналарда ишни шундай ташкил эти-шимиз керакки, Ўзбеки-стонга қизиқиш билан қараётган биронта чет эл-лик сармоядор мамлака-тимиздан инвестиция ки-ритиш учун аниқ тақлиф-лар олмастан, ҳафсаласи-пир бўлиб қайтиб кетма-син.

Бешинчи. Бозор муносабатларининг шакл-ланиши ва ривожланиши-га хизмат қилувчи инфра-тузилма етарли даража-да ишлаймапти. Бозор институтлари расман таш-кил этилган бўлса-да, аммо яхлит, ўзаро уйғун, энг муҳими, амалий фао-лият кўрсатувчи бозор инфра-тузилмаси ҳали яра-тилгани йўқ. Бугун биз мавжуд бозор тузилмала-ри ҳали тақомилга етма-гани, иқтисодиётни бошқ-арининг қўллаб вазифа-ларини ўз зиммасига олишга тайёр эмаслигини тан олишга мажбурмиз.

Инфратузилма йўна-лишларининг қайси тармо-ғини олманг - у сўгурта соҳасини, лизинг соҳаси-ни, аудит соҳасини - бар-часида аҳвол қониқарли эмас.

Мисол учун, сўгурта соҳасини олайлик. Шу

нарсаниқки, бугунги кун-да ҳўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, ки-чик ва хусусий бизнес ва-ясини рўйхатдан ўтган. Улар-нинг иккови ҳам Тошкент-да жойлашган. Аҳвол шун-дай бўлгач, яна қандай ин-жиниринг хизмати бозори ҳақида гапириш мумкин? Бундай шароитда инвес-тиция лойиҳаларини тех-ник иқтисодий асослаш ва экспертиза ишлари умум-ман қониқарсиз эканидан ажабланмаса ҳам бўлади.

Рўйхатдан ўтган бор-йўғи 85 консалтинг ком-панияларининг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Бунинг устига уларнинг деярли тенг ярми Тошкентда фа-олият кўрсатаяпти. Бир қанча худудларда бундай компаниялар умуман кам: Навоий вилоятида битта, Бухоро ва Хоразм вилоят-ларида иккита шундай фирма ишлайпти, холос.

Аудиторлик фирмалари ўтказаятган тафтишларда қўллаб хато ва камчилик-ларга йўл қўйилмоқда. Улар аксарият ҳолларда ҳўжалик субъектларини ту-зилган шартномалар асо-сида эмас, балки назорат идораларининг кўрсатма-ларига биноан тафтиш қилмоқдалар.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятида ўрганилган 10 та аудиторлик текшируви-нинг олти таси ҳўқў-тарти-бот органлари кўрсатма-сига асосан ўтказилгани аниқланди. Бунда ауди-торлик текширувига сарф-ланган харажатлар тўғридан-тўғри текширув-чи бўлинига тушган.

Ҳўқў-тартибот идора-ларининг айрим аудитор-лик фирмаларини ўз қано-ти остига олиб, уларга иш топиб беришдек бундай бемаъни усулларга чек қўйиш керак. Вазирлар Маҳкамаси барча манфа-атдор тизимларни жалб этиб, амалдаги «Аудитор-лик фаолияти тўғрисида»-ги қонуни танқидий кўриб чиқиши, аудиторларнинг маъсулиятини ошириш ва тафтиш қилинаётганлар-нинг ҳимоясини таъмин-лашга қаратилган тегиш-ли қўшимчалар ва туза-тишлар киритиши зарур.

Шуни алоҳида таъкид-лаш керакки, бизнесмен-лар, кичик корхона ва фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг мала-касини оширмасдан ри-вожлантириш, бозор муно-сабатларини шаклланти-ришни асло тасаввур эти-б бўлмайди. Шу мақсадда республикамизда бизнес мактаблари тизими таш-кил этилмоқда. Ҳар бир худудда бизнес-инкуба-торлар ишлаб турибди.

Шу кунгача бизнес-инку-баторларда 12 миңдан ортиқ, жумладан, 1999 йилда 5 миңдан зиёд киши ўқитилди. Аммо бу ҳали етарли эмас.

Шу билан бирга, улар-нинг фаолиятида ҳўжақў-рсинга ишлаш каби бир қанча муаммолар мавжуд. Аксарият минтақаларда бу тизим амалда ишлайтгани йўқ. Кейинги йилларда Қо-рақалпоғистон Республи-каси ва Навоий вилояти-да ўқув машғулотлари умуман олиб борилмаган. Бу худудлардаги бизнес-инкубатор субъектлари то-монидан бирон-бир инвес-тиция лойиҳаси амалга оширилмаган. Самарқанд, Хоразм, Андижон вилоят-ларида эса бу ишларга етарли эътибор берилма-ётгани туфайли 60 нафар-га яқин тадбиркор ўқитил-ган, холос.

Шу ўринда яна бир са-вол туғилади: бу бизнес-инкубаторларда кимлар ўқитилмоқда? Эслатиб қўймоқчиман, бизнес ин-кубаторларнинг асосий вазифаси - тадбиркор-ларни, аввало, қўлидан иш келадиган, бизнес билан шуғулланмоқчи бўлган деҳқон ёки мала-качи ишчи ва хўнаран-дларни ўқитишдан ибор-ат.

Амалда тадбиркорлар жағи ўқитганларнинг 65-

70 фоизидан ошмайди. Ўқитганларнинг асосий қисми эса турли ташкилот, муассаса, корхона раҳбар-лари ва мутахассислари, яъни амалдорларнинг ўзла-ридан иборат бўлиб қо-лмоқда.

Бозор иқтисодиётининг турли институтлари фаоли-ятига баҳо берад эканмиз, Давлат мулк қўмитаси то-монидан амалга оширила-ётган ишлар қониқарсиз аҳволда эканини яна бир бор таъкидлашга тўғри ке-лади. Чунки айнан мана шу қўмитанинг фаолияти бо-зор инфратузилмаси ва тадбиркорликни ҳар томон-лама ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Олтинчи. Давлат ва ижтимоий тузилмалар, биринчи навбатда, қонуннинг бажарилиши-ни таъминлайдиган, ҳўқуқни муҳофаза қилу-вчи ва назорат органлари тадбиркорлар ва корхо-наларнинг ҳўжалик фао-лиятига ноқонуний ара-лашаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Текширувларни тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар қўрилгач, улар-нинг сони 25 фоизга қисқ-арди. Лекин шунга қара-май, назорат қилувчи органлар фаолиятини му-вофиқлаштирувчи Респуб-лика кенгаши билан бел-гиланган тартибда келиш-масдан текширувлар ўтка-зиш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Назорат органлари тад-биркорларни қўллаб-қув-ватлаш ва уларга ёрдам бериш ўрнига ўзларининг қонунга қатъий итоат эти-шни талаб қиламиз. Қону-ни биринчи навбатда ҳур-мат қилиши лозим бўлган тизимларнинг ўзи умуман ўзи хоҳлаган тар-зда муносабатда бўлса, қандай қилиб ҳўқуқий давлат қуриш мумкин? Агар уларнинг манфаат-ларига мос бўлса, улар қонун посбонлари-ю, манфаатларига зид кел-са, қонунни оёқости қилишса, бу қайси ман-тиқа тўғри келади?

Такрор ва такрор таъкид-лайман - қонун барча учун баробар. Қонун олдида ҳамма тенг. Биз қонун ус-туворлигини ислохотларни амалга оширишдаги асосий тамойилларимиздан бири, деб бекорга белгиланган эмасмиз.

Мен яна бир марта огоҳлантириб қўймоқчи-ман, ўзбосимчилик би-лан корхоналар фаоли-ятига аралашиб бўйича ҳар бир факт қонуннинг қўпол бўлиши, деб ба-ҳоланади ва айбдор шахслар қатъий равиш-да маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади. Бу масала бўйича прокуратура идоралари алоҳида жавоб беради.

Шунингдек, назорат органлари фаолиятини му-вофиқлаштирувчи Респуб-лика кенгаши фақат йўна-лиш бўйича кўрсатмалар бериш билан чекланиб қо-лмасдан, бу масалада қатъ-ий кўрсатиши керак.

Ҳўқуқларнинг ҳар бир қарори ижросини таъмин-лаш, шу билан бирга иқти-содий ислохотларни амал-га ошириш ва назорат қилиш вазифаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмалари-га юклатилган. Сирдан қара-ганда, барча зарур тузил-малар шаклланган, кадрлар билан таъминланган. Лекин нега ҳукумат қарорлари ба-жарилмапти?

Чунки бу ерда расми-ятчилик палак отган; мендан кетгунча, эгаси-га етгунча, қабилида иш тутулимоқда.

Очигини айтганда, Ва-зирлар Маҳкамаси мажму-

алари йилнинг бир чорағи-дан иккинчи чорағигача ҳаммиса бир хил «боқий» масалаларни кўриб чиқади, номига топшириқлар беради, номига назорат қила-ди. Оқибатда айнан бир хил муаммолар муҳим топ-шириқ сифатида кун тар-тибига қўйилаверади, баё-нномалардан баённомалар-га «кўчиб» юради. Лекин уларнинг ечимини бўйича амалий иш йўқ. Энг ёмони, бу ҳеч қимни безовта қил-майди.

Ечимини қутаётган дол-зарб муаммоларнинг йиғи-либ қолиши, жойларда со-дир этилаётган қонунбузар-ликлар, бемаънигарчилик-лар, биринчи навбатда, Ва-зирлар Маҳкамаси аппара-тининг, Маҳмуа раҳбарла-рининг диққат-марказида бўлиши лозим эмасми? Иқтисодиётимизнинг тақ-дир пировард натижада си-зарларнинг қатъийнингизга, гайрат-шижоатингизга, маъсулиятини ўз зимман-гизга нечоғлик ола билиши-гизга бевосита боғлиқ эмасми?

Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби бугун ислохот-лар жараёнига тўсиқ-гов бўлаётган камчиликларни, эски тизимдан қолган, ке-чиктирмай бартараф этили-ши лозим бўлган иллатлар-нинг сабабларини чуқур таҳлил этиши, йўл қўйилган ҳатолардан тегишли сабоқ чиқариб, амалий чора-тад-бирлар қўриши лозим. Энг муҳими, иқтисодиётни яна-да эркинлаштириш ва ис-лохотларни чуқурлаштириш мамлакатимиз олдида тур-ган мақсадларга эришиш-нинг кучли, тасйирчан ме-ханизмининг яратиши зарур. Ўйлайманки, ушбу мажлис иштирокчиларига халқимиз сиз билан бизга билдирган юксак ишончини оқлаш энг муқаддас бурч, ҳар бири-мизнинг ушбу ишчи экани-ни эслатиб ўтиришга ҳоҳат бўлмас керак.

Раҳбар одам бошқалар-га нисбатан узоқроқни кўриши керак. У нафақат бугунки, балки, эртанги кунни аниқ тасаввур этиб ишлаши, келажакнинг таш-виши билан яшаши зарур. Хали кўзга ташланмаган муаммоларни сезиши, қўра билиши керак. Раҳбар унга ишонган одамларнинг атроф-да бўлаётган воқеа-ҳодиса-лардан, эртага у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини огоҳ этиб бориши лозим.

Мен Олий Мажлисининг Иккинчи қаҳриқ биринчи сессияси биринчи йиғили-шида, Ислохотлар ва инвес-тициялар бўйича идоралар-ро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида айтган гапларимни яна такрорла-моқчиман. Агарки, биз раҳ-барлар мамлакатимизда, дунёда бўлаётган иқтисод-ий жараёнлардан огоҳ бўлмасак, бу жараёнлар эртага нимага олиб кели-ши мумкинлигини олдиндан сезмасак, уни тўғри баҳо-лай олмасак, бугун эриш-ган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб хотиржамликка бе-рилсак, ютқазамиз.

Эртанги кунимиз фаро-вон бўлсин десан, тараққи-толган давлатлардан кам бўлмасдан ўзимизнинг орзу-мақсадимизга эриш-моқчи бўлсак, бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур.

Тиним берилай, хотир-жамликка берилай, дои-мо изланиш, изланиш ва яна изланиш, тадбиркор-лик, ташаббускорлик, иш-билармонлик ҳисобидан яшашимиз керак. Ана шун-дайгина Аллоҳ таоло бизни қўлайди, йўлинимизни очиб беради. Илгари қўп бор ай-тганимдек, элим деб, юр-тим деб, ёниб яшаш ҳар биримиз учун ҳаёт мазму-нига айланиши даркор.

Ишонаман, беш-ўн йил ичида Ўзбекистонимиз-нинг қиёфаси тамомила ўзгариб кетади, қудратига қудрат қўйилади. На-сиб этса, ҳаммамиз бу-нинг ғувоҳи бўламиз.

Барчангизга ана шу эзгу мақсад йўлида сийҳат-сало-маклик, гайрат-шижоат ти-лайман!

ҲАЁТ, СЕВГИ ВА ЮРТ КУЙЧИСИ



ҒАЗАЛЛАР

Сендек манга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек санга бир зору вафодор топилмас.

Бу шаклу шамойил била худ хуру парисен,
Ким, жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Агёр кўз олидаю ул ёр аён йўқ,
Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки, хуснунг чаманида,
Кўзни юмуб очкунча бу гулзор топилмас.

Бобур, сени чун ёр деди, ёрлиг этгил,
Оламда кишига йўқ эса ёр топилмас.

Бир пари мен телбани хуснига мойил қилгудек,
Кўзум ичра ер тутиб, кўнгулдам манзил қилгудек.

Кўнгулму кўзум юзига волаю ҳайрон бўлуб,
Жонима юз минг ғаму меҳнатни ҳосил қилгудек.

Нотавон кўнгулмга ишқи қайғуни келтургудек,
Айшу ишратни кўнгулдин қайғу зойил қилгудек.

Қилмади Фарҳоду Мажнун ўзни расво мен киби
Ким, бу навъ иш — иш эмасдур ҳеч оқил қилгудек.

Ул пари ишқиди Бобур жон бериб, эй аҳли ишқ,
Ишқ авторини ишқ аҳлига мушқил қилгудек.

Атоқли давлат арбоби, истей-
додли шоир Бобур ўзбек мум-
тоз адабиётининг йирик намо-
ёндаларидан, ўзининг нозик
таъб ва гўзал сатрлари билан,
илму тафаккури билан неча-неча
халқлар кўнглига йўл топа олган
дилбар инсондир.

Бобур улусга ҳам моддий, ҳам
маънавий жиҳатдан, шохлик қил-
ди, десак хато бўлмайди. Чунки
унинг тожу тахт учун кураши
одатдаги шохларнинг курашидан
фарқли ўлароқ, шаън, ор-номус
кураши эди. Буюк теурийлар
салтанати инқирозига ҳеч кўни-
ка олмасди. Шунинг учун кўлга
курол олишга мажбур бўлди.
Аммо, минг афсуски, унинг ор-
зулари ўз юртида эмас, муҳо-
жирликда рўёбга чиқди. Лекин,
шундай бўлса ҳам, бутун вужу-
ди ила она Ватанига талпинди.
Унинг барча асарларида ушбу
согинч туйғуси сиркиб туради.

Бобурнинг барча ғазалларида
унинг руҳияти ва кайфияти на-
моён бўлиб туради. Бобур ота-
шин ишқий рубоий ва ғазалла-
ри орқали мумтоз адабиётдаги
анъанавий образ — ишқий ило-
ҳий — покиза бодани тараннум
этади. Инсоний меҳр-муҳаббат-
ни кадрлайди. Вафони улуғлай-
ди. Яхшиликнинг хосиятлари ва
ёмонликнинг оқибатларини сод-

ЯХШИЛИК ХОСИЯТИ ВА ЁМОНЛИК ОҚИБАТИ

да ва равон шеърий тилда гўзал
тасвирлар билан ифодалади:
**Ҳар кимки, вафо қилса,
вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса,
жафо топқусидир,
Яхши киши кўрмағай,
ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса,
жазо топқусидир.**

Бобур, теурийларнинг гўзал
бир аънарасига биноан, илму
урфонга ҳомийлик қилди. Олим-
ларни эъозлаб, илмга даъват
этди:

**Ким ёр анга илм толиби
илм керак,
Ўргангали илм толиби
илм керак,
Мен толиби илму
толиби илм йўқ,
Мен бормен илм толиби
илм керак.**

Рубоийнинг сўнги сатрига
эйтибор берсак, тасаввуф таъ-
лимотидаги ўзликни англашнинг
гувоҳи бўламиз. Яъни, бу мисра-
да Бобур (бизнингча) инсон
ўзидаги «мен»ни англамоқ учун
кўп илм олиши кераклигига ишо-
ра қилмоқда.

Бобур ижодида назар солар
эканмиз, ўзининг умуминсоний
ғоялари билан, нафақат ўз дав-
рида, балки бугунги кунда ҳам
юксак кадр топаётганига гувоҳ
бўламиз.

**Нодир ҒАНИЕВ,
Мирзо Улугбек номидаги
ЎЗМУ талабаси.**

Газетамизнинг ўтган сонларида Заҳириддин
Муҳаммад Бобурнинг ҳолавачаси ҳижрий 905
(мелодий 1499-1500) йилда Тошкентда туғилган
атоқли муаррих ва адиб Мирзо Муҳаммад Ҳай-
дарнинг ҳаёти ва тарихнавислик фаолият ҳақида
маълумотлар ҳамда форс тилида ёзилган «Тари-
хи Рашидий» асаридан парчаларни эълон қилган
эдик. Ушбу сонда эса адибнинг ўз она тили —
туркий тилдаги ижоди хусусидаги мақолани эъти-
борингизга ҳавола этмоқдамиз.

Сўнги йилларда улуг
аждодимизнинг ўз она тили-
да ёзиб қолдирган ме-
росини тўплаш ва нашр
қилиш учун уйғур ва ўзбек
олимлари томонидан анча-
гина ишлар амалга оши-
рилди. Маълумки, Мирзо
Ҳайдарнинг дурустгина
шоирлик қобилияти бор-
лигини Заҳириддин Му-
ҳаммад Бобур ҳам таъкид-
лаб ўтган эди. Мирзо Ҳай-
дар «Тарихи Рашидий» аса-
рида ўз қаламига мансуб
туркий ва форсий тиллар-
даги шеърлар ва шеърий
парчаларни келтиради.
Диққатга сазовор жойи
шундаки, булар худди «Бо-

Тили чиққач, хунар
ҳамсоя бўлди.
Топиб нашву намо
давлат ичинда,
Ягона бўлди оз
муддат ичинда.
Кичик йшда камуғ
фанларни билди,
Кўпин оз ақл бирла
фаҳм қилди.

Ферузошқ улғайғач, ту-
шида бир гўзал қизни
кўриб, унга ошққ бўлади.
Ишқ олови кучайиб, шаҳ-
зода одамларга аралаш-
май, ғамгин юришни ода-
т қилади. Углининг аҳоли-
дан қайғурган подшоҳ шаҳ-
зоданинг кўнгли ёзилсин,
деб кийик ови уюштиради.
Ов пайтида Ферузошқ бир
чопқир кийикни қувлаб,
бошқалардан ажралиб,
узюкка кетиб қолади. У ку-
тилмаганда парилар яша-
диган бир манзилга етиб
боради ва бу ерда тушида
кўрган қизни учратади. Бу
қиз паризод бўлиб, исми
Нозбў эди. Ферузошқ па-
риллар юртида узюк муддат

«ЖАҲОННОМА»

Мирзо Ҳайдарнинг туркий тилдаги мероси

бурнома» асаридида шеър-
лар каби, кўпинча муаллиф
бошидан кечирган бирон
воқеа муносабати билан
ёзилган. Масалан, ўздан
ҳеч қандай айб ўтмагани
ҳолда, душманлар игвоси
натijasида Қошғар хони
Абдурашидхоннинг унга
нисбатан муносабати ёмон
томонга ўзгаргач, таъкид-
дан қочган Мирзо Ҳайдар
илгариги дўстлик ваъдала-
рини эслатиб, хонга тур-
кий тилда бир рубоий ёзиб
юборади ва у «Тарихи Ра-
шидий» асаридида келтирил-
ган:

**Жоно, не жафоларки
манга қилмадингиз,
Бир зарра манга раҳм
нега қилмадингиз?
Юз қатла вафо ваъда
қилибсиз, аммо,
Бир қатла бу ваъдага
вафо қилмадингиз.**

Мирзо Ҳайдар «Аёбий»
тахаллуси билан гўзал
ғазаллар ёзгани ва девон
тузгани ҳақида маълумот-
лар бор. Афсуски, унинг
девои ўзбекистондаги
кўлёмза хазиналарида йўқ.
1995 йилда Шинжонда
нашр этилган бир баёзга
Аёбий ғазалларидан наму-
налар келтирилган. Ана шу
бир неча шеър ҳам Мирзо
Ҳайдарнинг ғазал ҳақида-
ги маҳоратини тасаввур
қилишга имкон беради.

Ғазал ва рубоийлардан
ташқари Мирзо Ҳайдар тур-
кий тилда «Махмуднома» ва
«Жаҳоннома» каби дoston-
лар ҳам яратгандир. «Мах-
муднома» ҳақида илмий
адабиётларда адибнинг ўз
ўлига атаб ёзилган, одоб-
ахлоққа оид панд-насихат-
ларни ўз ичига олган ди-
дактик дoston, деб ҳабар
қилинади. Аммо, дoston
хануз нашр этилмаган.
«Жаҳоннома» дostonининг
икки нусхаси фанга маъ-

хат Азимжонова, Асомид-
дин Уринбоев ва Омонбек
Жалиловлар «Жаҳоннома»
дostonини Шинжон наشري
ва Берлин кутубхонаси
кўлёмзаси асосида нашрга
тайёрлаб, муфассал сўзбо-
ши ва изоҳлар билан Мир-
зо Муҳаммад Ҳайдар тавал-
лудининг 500 йиллигига
тўёна сифатида 1999 йил-
да Ўзбекистон Фанлар ака-
демиясининг «Фан» наشري
ётида 500 нусхада чоп
этишди. Асарни нашрга
тайёрлаш жараёнида тадқи-
қотчилар Берлин ва Қаш-
қар нусхаларини бир-би-
рига солиштириб, мавжуд
тафовутларни аниқлаб,
матн остидаги изоҳларда
келтиришди. Шу жиҳатдан
асарнинг Тошкент наشري
олдинги нашрдан кўра му-
камалроқдир.

«Жаҳоннома» 1533 йил-
да ёзиб туғатилган. Дoston
2650 мисрадан иборат
бўлиб, маснавий жанрида
битилган. Бу асар, шубҳа-
сиз, XVI аср ўзбек адаби-
ёти тарихида ўзининг муно-
сиб ўрнига эгадир. Дoston
муқаддимасида муаллиф ўз
бошидан кечирган бирон
воқеаларни баён қилади.
Мазкур воқеалар «Тарихи
Рашидий»да батафсил тас-
вирланган. Дostonнинг
ассий қисми пойтахти Си-
мин шаҳри бўлган Малик
Шоҳсувор отлиқ подшоҳ
ҳақидаги ҳикоя билан бош-
ланади. Худо унга қарига-
нида бир фарзанд бериб,
отини Ферузошқ қўйиша-
ди. Ферузошқ образининг
тасвирида улуг Навоийнинг
«Фарҳод ва Ширин» дoston-
и таъсири аққол сезилиб
туради. Ферузошқ ёшли-
гиданоқ кўп илму хунар-
ларни эгаллаб олади:

**Мунга шаҳр, мулк
вилоят санинг,
Бори турку тожиқ
ривоят санинг.
Тузуқ тарк ила адл
бунёд қил,
Адолат била мулк
обод қил.
Фақиру ғарибу йигити
қари,
Сенинг хайринг ила
кувонсин бари.**

**Бу давр эл дуоси ки
ҳамроҳ ўлур.
Не қилсанг ишинг
бари дилхоҳ эрур.**

Ушбу сатрларда ўзи ҳам
йирик давлат арбоби
бўлган Мирзо Муҳаммад
Ҳайдарнинг одил ҳукмдор
ҳақидаги қарашлари акс эт-
ган дейиш мумкин. Дoston
умуман олганда, сода-
да ва равон тил билан
ёзилган. У XVI аср ўзбек
адабий тилининг луғат бой-
лигини тадқиқ қилиш учун
ҳам муҳим манба бўла ола-
ди.

**Ғуллом ҲАМИД
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
илмий ходими.**

қилиб кетади. Унинг она-
си фарзанди доғида вафот
этади.

Кунларини ёр оғушида
бахтиёр ўтказётган Фе-
рузошқ бир кун тушида
фарзанди қаердалигини
сўраб, Оллоҳга илтижо
қилаётган отасини кўради.
Тушини хотинига айтади.
Нозбў унга биргаликда ва-
танига боришни маслаҳат
беради. Ферузошқ юртига
қайтгач, ўглининг дийдоридан
ўзида йўқ қувонган
подшоҳ вафоти олдиндан
тожу тахтини унга топши-
риб, юртни адолат билан
бошқаришни васият қила-
ди:

**Мунга шаҳр, мулк
вилоят санинг,
Бори турку тожиқ
ривоят санинг.
Тузуқ тарк ила адл
бунёд қил,
Адолат била мулк
обод қил.
Фақиру ғарибу йигити
қари,
Сенинг хайринг ила
кувонсин бари.**

**Бу давр эл дуоси ки
ҳамроҳ ўлур.
Не қилсанг ишинг
бари дилхоҳ эрур.**

Ушбу сатрларда ўзи ҳам
йирик давлат арбоби
бўлган Мирзо Муҳаммад
Ҳайдарнинг одил ҳукмдор
ҳақидаги қарашлари акс эт-
ган дейиш мумкин. Дoston
умуман олганда, сода-
да ва равон тил билан
ёзилган. У XVI аср ўзбек
адабий тилининг луғат бой-
лигини тадқиқ қилиш учун
ҳам муҳим манба бўла ола-
ди.

**Ғуллом ҲАМИД
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
илмий ходими.**

ЛУҚМА ҚОИДАБУЗАР КИМ?

Кун кеча Тошкент
шаҳрининг Яққасарой
туманидаги Шароф Ра-
шидов ва Юнус Ражабий
кўчалари туташган чор-
раҳада ажиб бир тасо-
дфининг гувоҳи бўлдик.
Катта тезликда келаёт-
ган шахсий бошқарува-
даги давлат рақами 11 Е
8000 «НЕКСИЯ» машина-
си тақиқловчи белгилар-
га ҳам риоя этмай, ҳара-
катланиш қоидасини
кўпол равишда бузди.
Оқибатда авария со-
ди бўлишига оз қолди.
Атрофдагилар қаттиқ
ҳаяжонга тушишди.
Ажабланишми шуки,
обдон безатилган, ойна-
лари қора рангли бу
уловни милиция кийи-
мидаги шахс бошқариб
борар эди...

Х.КОДИРОВ.

Шахмат қадимий,
ажойиб ақл-идрок ўйи-
нидир. Сўнги тадқиқот-
ларга кўра, унинг даст-
лабки кўринишлари мел-
од бошларида Шарқда,
аниқроғи, Ҳиндистон-
нинг шимолий ўлкала-
рида пайдо бўлган.
Ўйин қоидалари аста-
секин ўзгариб, тако-
миллашиб, тобора кенг
тарқалиб борди. IX ас-
рда у Европада кириб
келди. Ҳозир ўйналади-
ган шахмат тури юзга
келганига эса 500 йил-
ча вақт бўлди. Бугунги
кунда юз миллионлаб
кишилар шахмат ўйнай-
дилар.
Шахмат билан шуғул-
ланиш шахснинг уйғун
ривожланишига кўмак-
лашади. Бу жараёнда
манتيкий ҳамда ҳиссий
тафаккур, давомли ва
оператив хотира ривож-
ланади, диққатни бир
жойга тўплаш қобилия-
ти такомиллашади.
Шахмат тафаккурни са-
фарбар қилиш, ечим
(юришни танлашга ёр-
дам беради. Қабул
қилинган қарор, яъни,
юриш қилишни изчил
амалга ошириш, муай-

Шахмат ажойиботлари «АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ»

ян мақсадга эришиш
зарурияти иродани
шакллантириш, қатъий-
лик ва эмоционал тур-
ғунликка имкон яратади.
Энг муҳими, шахмат ки-
шида ўзига нисбатан
танқидий муносабатни
тарбиялайди.
Деярли барча инсон-
ларда эгоцентризм ҳар
хил даражада бўлса-да
ривожланганлиги босис
одам, ҳатто хатога йўл
қўйган ҳолларда ҳам
уларни тан олмастик
ёхуд ушбу нотўғри ҳара-
катини оқлашга мойил
бўлади. Шахмат маҳор-
рати эса ҳамма вақт
ўйналган партияларни
таҳлил қилиш зарурия-
ти, ўйин пайтида қилин-
ган хатоларни топиш ва
текшириб чиқиш, кей-
инчалик уларни йўқо-
тиш билан боғлиқдир.
Хуллас, қисқа қилиб ай-
тганда, шахмат
ҳаққонийликни ўстириш,
ўз хатти-ҳаракатларига
нисбатан танқидий му-
носабатда бўлишга
кўмаклашади. У инсон

нигоҳини ўз-ўзига қара-
тади, қилинган хатолар-
ни тан олиш ва тугатиш
жуда зарур эканлигини
ўқтиради. Бу ҳақда бун-
дан эллик йиллар му-
қаддам Э.Ласкер жуда
соз ёзган эди: «Шахмат
тахтасида сохталигу ри-
ёкорликка ўрин йўқ.
Шахмат комбинацияси-
нинг гўзаллиги унинг
доимо ҳақиқатлигида-
дир. Шахматда ифода-
ланган шафқатсиз
ҳақиқат риёкорнинг
кўзининг ўяди».


Спорт, санъат, фан...
Чинакам шахмат ўйини-

да буларнинг бари му-
жассам. Унинг жозибаси,
оҳанрабоиси, инсон-
га таъсир этиш кучи-
нинг сири ҳам шунда.
Зеро, шахмат характер
тарбиялайди. У «ақл
гимнастикаси»дир.
Ўйин давомида қўллана-
ладиган комбинациялар
ўта мафтункор ва гўзал:
киши қанчадан-қанча
лаъзат олади, ўзи ҳам
«гўзаллик қонунчи асос-
да» ижод қилгиси келиб
қолади. Шахмат партия-
ларини баҳолашда ин-
сон нафосат оламидан
бахра олгандай бўлади.

Биз санъат дурдона-
лари билан танишгани-
мизда, ёки тинлагани-
мизда, қалбимиз илқ
ҳис-туйғуларга ғарқ
бўлади, беихтиёр, да-
ҳолар ижодидан ҳайрат-
га тушамиз. Ҳақиқий
шахмат санъати намуна-
си ҳам худди ана шун-
дай. И.Турғенов бир зўр
шахматчининг ўйинини
кузата туриб, бағоят
ҳайратланганидан: «У
ўйнаётгани йўқ, балки
худди Рафаэлага ўхшаб
ажойиб расмлар чиза-
пти!» деган эди.
Кишига олам-олам
эстетик завқ бағишлай-
диган шахмат партияла-
ри сон-саноксиз. Пет-
ров ва Морфи, Андер-
сен ва Стейниц, Чигорин
ва Алёхин, Капаб-
ланка каби кўплаб ном-
дор шахматчилар ярат-
ган санъат дурдоналари
орадан минг йиллар
ўтганидан кейин ҳам
муҳлисларни ҳаяжонга
солaveraди, уларда
завқ-шавқ уйғотавера-
ди.

Кўп йиллик тажриба
ва имкон борича ўқиш-
ўрганиш жараёнида
шунга амин бўлдики,
қўнча замин алломала-
рининг деярли аксария-
ти шатранж - шахмат
сирларидан воқиф
бўлишган, баъзилари
ўз асарларида уни
ҳаётнинг ўзига қиёс-
лаб ажойиб мисралар
битишган.
Шуни яна бир бор
таъкидламоқчимизки,
шатранжнинг ватани —
Шарқ. Илк шахмат
қўлланмалари - ю
ҳозирга қадар зарра-
ча қимматини йўқотма-
ган ажойиб рисолалар
ҳам шу заминда битил-
ган. Бинобарин, би-
ринчи гроттмейстерлар
Шарқда, хусусан
Ўрта Осиёда етишиб
чиққан. Шатранж —
шахмат бизнинг чина-
кам миллий ўйинимиз-
дир. Демак, унинг бу-
гун дунё миқёсида тан
олинганлигидан ҳар
қанча фахрлансак ар-
зийди.

**Мамажон
МУХИТДИНОВ.**



Иккала вазиятда ҳам оқлар бошлаб 3
юртишда мот қиладди.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба
уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЙМОВ
Таҳрир ҳаёти:
Ж.Алимқўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов,
Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-
Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар
бўлими 56-87-73
Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Мақсалими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот
қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.
ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет
усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Умумий алади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт — матбуот концерни
босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш
вакти - 21.00
Топширилди 21.00